
Халқ конституцияси билан халқчил давлат сари!

Халқ конституцияси билан халқчил давлат сари!

Фарғонада Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан “Халқ Конституцияси билан халқчил давлат сари!” шиори остида Маънавият фестивали бўлиб ўтмоқда. 31 март куни фестивал тадбирлари Олтиариқ туманида ҳам бўлиб ўтди. Дастлаб Файзиобод МФЙ худудида жойлашган 18-умумий ўрта таълим мактабида гала концерт дастури ва тарғибот тадбири ўтказилди. Тадбирда Файзиобод ва Устоз маҳалалалари аҳолиси, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этишди. Марказ тарғиботчилари, профессор-олимлар, олтиариқлик эл суйган санъаткор ва шоирлар томонидан ижро этилган куй, қўшиқ ҳамда шеърлар барчага байрамона кайфият улашди. Тадбирда сўзга чиққанлар янги Конституция лойиҳасининг мазмун-моҳияти, шунингдек, юртимизда охириги йиллар мобайнида амалга оширилган ислохотлар ҳақида сўз юритилиб, ҳаётий мисоллар билан фуқароларга етказдилар.

https://t.me/Oltiariq_manaviyat

2023-04-01 09:22:29